Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 106 (9092). • 1987 йил 5 июнь • жума • Баҳоси 3 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати мис бойитиш фабрикасининг майдалаш ва флотация цехидан Н. Тошпўлатов бошлиқ хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплекс бригада меҳнат унумдорлигини ўстириш йиллик планини бажарди.

Мусобақа пешқадамлари 7 ноябргача пландан ташқари 4,2 тонна металл тайёрлаб беришга, салкам 300 минг киловатт-соат электр энергия, 135 гигакалорий иссиқлик энергиясини тежашга қарор бердилар.

Ҳозирги пайтда илғор коллективнинг иш фаолияти реал марралар белгиланганлигини, энг муҳими суръатни пасайтирмаслик зарурлигини кўрсатмоқда. Бригаданинг мақсади — Октябрь революциясининг 70 йиллиги арафасида беш йилликнинг икки йили топшириғини бажарганлик тўғрисида рапорт беришдир.

Юксак марра

ШОКИР Алимов ва Ҳусан Абдувалиевлар Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг Солижон Жуманов бошлиқ бригадасининг тажрибали механизаторларидир. Улар айни пайтда кунига 6—7 гектар майдондаги ғўза қатор ораларида учинчи культивацияни сифатли ўтказмоқдалар. Шунингдек, дала ишларида Гулсара Отабоева, Бувайда Жуманова, Турдихол Шойзоқова, Ҳосият Сулаймонова ва Доно Турсунова сингари деҳқонлар алоҳида ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

— Бу йилги маррамиз юксак, — дейди бригада бошлиғи С. Жуманов. — Ҳозирги ҳаракатимиз ҳам шунга қаратилган. 158 гектар майдонда мўл ҳосил тўплаб пландаги 35 центнер ўрнига 40 центнердан пахта етиштирамиз.

Қ. РАЖАБОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

ҒАЛАБА районидаги Свердлов номли колхознинг Туроб Абдужабборов етакчилик қилаётган бригада азаматлари бу йил 74 гектар майдонда деҳончилик қилишяпти. Коллектив аъзолари айни кунлардаги барча тадбирларни ғўза парваришига сафарбар этиб, дала ишларини кун сайин авж олдиряптилар.

Иккинчи ишлов сифатли қилиб тугалланган майдонларда саралаб суғориш бошлаб юборилди. Сувчиларга Ўктам Қўлдошев ўзининг кўп йиллик иш тажрибалари билан доимо бош-қош бўлмоқда.

Механизатор Амирбек Абдужабборов учинчи ишловга киришди. Бригада аъзолари Г. Абилова, У. Холдорова, С. Ғаффоровалар ғўзаларни бегона ўтдан тозалаш ва чопиқ қилишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда бригада аъзолари мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 45 центнердан пахта етиштириш иштиёқида меҳнат қилишаётир.

О. НУРУШЕВ.

ПУДРАТ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙга қарашли 8-трестнинг 36-қурилиш бошқармасида Анатолий Иноземцев бошлиқ комплекс бригада ва Николай Синяев бошлиқ монтажчилар бригадаси октябролди мусобақасининг пешқадамлари деб эътироф этилди. Мусобақа илғорлари коллектив пудратга ўтиб ишлаётганлиги туфайли муваффақиятга эришдилар.

Қурувчилар ишга тушириладиган объектда 5 -йирик панелли уйсозлик заводида ишлаяптилар. Ҳозирги пайтда объектни муваффақиятли фойдаланишга топшириш барча бўлинмаларнинг бир маромда ишлашига боғлиқдир.

Илёс Бойжонов, Йўлдош Воисов, Эргаш Бўриев бошлиқ комплекс бригадалар ҳам илғорлардан орқада қолмаяпти. Ана шу бригадаларнинг ҳаммаси меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формасига ўтиб ишламоқда.

Қурилаётган заводнинг бош пудратчи ташкилоти ҳисобланган қурилиш бошқармаси коллективи юксак мажбурият қабул қилди — барча умумий қурилиш ишларини муддатидан икки ой илгари бажариш ва объектни фойдаланувчиларга юқори баҳо билан топшириш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ХУШХАБАРЛАР

● **ОҲАНГАРОНДАГИ «Стройпластмасс»» комбинатининг маҳсулотлари минглаб квартираларни безайди. Бу ерда ювиб тозаласа бўладиган гулқоғоз-изоплен ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Гулқоғоз зангори, пушти, қизил гуллар туширилган рангли плёнка билан қопланиб, изоплен тайёрланади. Корхона бу йил республика магазинларига ярим миллион квадрат метр ювиладиган гулқоғоз жўнатади.**

● **ЧИРЧИҚ трансформатор заводининг бирваракайига тўрт хил маҳсулоти-турли трансформаторлар давлат Сифат белгиси олиш учун аттестациядан ўтди. Корхонада давлат қабули жорий этилгандан кейин технология жараёнларига риоя этилиши қаттиқ контрол қилинадиган бўлди. Бунинг натижасида «аъло» баҳоли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди.**

● **«ХАВФСИЗЛИК КУНИ» ўтказилиши модага эргашиш эмас, балки темирйўлчилар меҳнати маданиятини ошириш воситасидир. Ўрта Осиё темир йўл магистралининг кўпгина деполари ва станцияларида ана шундай кунлар ўтказилмоқда. Машинистлар, ремонтчилар, ревизорлар машина-ускуналарни кўздан кечириб, камчиликларини дафтарга ёзиб қўядилар, танқидий мулоҳазаларини айтадилар. Ана шундай кунлардан кейин кўпгина станцияларда локомотив бригадаларининг иш шароити яхшиланди, техникадан тўлароқ фойдаланилмоқда.**

• ПИЛЛА — ДАВЛАТГА •

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛАДИ

РЕПОРТАЖ

— РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари бу йил 3450 қути қурт уруғини парваришладилар. Давлат қабул пунктларига пландаги 168,5 тонна ўрнига 170 тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Бу билан йиллик пилла сотиш планинигина эмас, социалистик мажбуриятни ҳам бажардик. Бунда асосий эътибор маҳсулот сифатига қаратилди,— дейди район партия комитетининг секретари Р. Тожибоев,— лекин муаммолар ҳам йўқ эмас...

...Бош пиллахона. Ҳаммаёқда «кумуш тола». Диққатимизни баланд бўй, оқ-сариқдан келган, қотма киши — Зейнал ака Наврўзов тортади. У 10 йилдан буён Ҳ. Турсунқулов номли колхозда пиллачилик бўйича агротехник бўлиб ишлайди:

— Пилланинг сифати ҳақиқатан ҳам аввалги йилларга нисбатан анча яхши. Бу йил 390 қути қурт уруғи боқилди. Айниқса, оилавий пудрат асосида иш юритиш яхши натижалар берди. Қодир Аҳмаджонов, Олия Ҳасанбоева, Қувватали Худойберганов, Йўлдошбу Нишонбоева, Мушарраф Мирзабоева сингари тажрибали пиллакорларимиз ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатидан ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишди, — дейди у.

Пунктда маҳсулот топшираётган яна бир хўжалик вакили — Н. Ниёзов номли колхознинг тажрибали пиллабоқари Турғуной Темировани суҳбатга тортдик:

— 20 йилдан буён қурт боқаман. Ўтган йили 15 граммни парваришлаб, 70 килограмм хом ашё топширгандим. Бу йил ишни оилавий пудрат асосида ташкил этиб, 2,5 қути қурт уруғи парваришладик. Турмуш ўртоғим Йўлдошбой Темиров, қизим Лолахон, ўғлим Шавкатжонлар яқиндан ёрдам беришди. Натижа ҳам шунга яраша бўляпти. Кеча 67 килограмм топширгандик. Унинг сифати юқори — 92 процент баҳоланди. Мана бугунгиси билан 200 килограммдан ошади чоғи.

...Ҳа, мавсумга пухта ҳозирлик кўрган, озуқа базасини мустаҳкамлаган, ишни ташкил қилишнинг прогрессив усулини дадил жорий этган деҳқонлар вақтдан ҳам, сифат ва миқдордан ҳам ютишди. «Коммунизм», Калинин номли, Ҳ. Турсунқулов номли, «Интернационал», «Партия XXI съезди» колхозлари тут плантацияларини вақтида озиқлантирдилар. Уларнинг таглари юмшатилиб, суғориб турилди. Натижада барг ва пилла ҳосили ҳам мўл бўлди. Мазкур хўжаликлар план ва мажбуриятларини ҳаммадан олдин ортиғи билан адо этдилар.

Бироқ, қурт боқиш мавсумини унутиб қўйган «Октябрь», «Ленинизм», Ленин номли колхозлар оқсаб қолишди. Улар озуқа базалари ночорлиги, экилган тут кўчатларини ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари туфайли барг таҳчиллигига дучор бўлдилар.


Пиллачиликда оилавий пудрат яхши самаралар беряпти. Районда бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Коммунизм» колхозида бу йил 620 хонадон билан шартнома тузилди. Самараси ҳам чакки бўлмади. Лекин баъзи хўжаликларда уруғ тарқатиш вақтидаги «бўл-бўл», «тезроқ қутулиш» кампанияси бу ишга путур етказди. Уруғ шартномада белгиланганидан анча ортиқ миқдорда берилди. Бунда на оила шароити, на қурт боқувчилар сони ҳисобга олинди. Оқибатда жой танқислиги келиб чиқди. Бу ҳол, айниқса, «Ленинизм» колхозига хосдир.

Қурт боқиш мавсуми авжи қизғин паллага кирган пайтда «Октябрь» колхозидаги 30 чоғлик хонадондаги қуртлар бирдан ёппасига касалланиб қолди. Хўжалик мутахассислари, тажрибакорлар зудлик билан аҳволни яхшилашга киришдилар. Икки кун давом этган югуришдан кейин қуртларни дарддан фориғ қилиш имконига эга бўлинди. Лекин, район пиллахонаси қошида махсус лаборатория йўқлиги туфайли касаллик, унинг келиб чиқиш сабаблари аниқланмай қолди. Область агросаноат комитети пиллачилик бошқармаси ана шундай долзарб паллада амалий ёрдам уюштирганларида, қўлланма ва тавсияномалар билан кўмаклашганда ёмон бўлмасди.

...Ҳа, янгийўлликлар маҳсулот топширишни давом эттирмоқдалар. Бу йилги мавжуд қийинчиликлар — барг ва жой танқислиги, об-ҳаво ноқулайликлари, ишни ташкил қилишдаги тартибсизликларга қарамай, улар пилладан мўл ҳосил етиштирдилар. Бу, албатта, тонгларни тунларга улаб, бамаслаҳат, баҳамжиҳат иш юритганликлари, фидокорона меҳнатлари самарасидир. Шунинг учун ҳам пиллахонага келувчилар сафи ҳамон камайгани йўқ. Улар, «Яна бир зўр берсак оширилган — 10 тонналик мажбурият ҳам бажарилади», демоқдалар.

Р. ЙЎЛЧИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.







● СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) Янгийўл районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозининг пешқадам пилакори Сергей Угай пилла пункти агрономи Маҳбуба Ҳасанова билан ҳомашё сифатини кўздан кечиришмоқда; Калинин номли колхоз аъзоси Комила Бекжонова уйган пилла хирмони; пилла пункти қуритиш цехининг лаборанти М. Қодирова.
Р. Галиев фотолари.

Машинада сут соғиш илғор мастерлари область слёти қатнашчиларининг агросаноат комплекси барча меҳнаткашларига

МУРОЖААТИ

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР! ҲАМКАСБЛАР!

Биз, колхоз ва совхозлар сут-товар фермалари катта отрядининг вакиллари машинада сут соғиш илғор мастерлари область слётига жуда муҳим даврда тўпландик. Қайта қуриш кўз ўнгимизда тобора авж олиб, ҳамма ва ҳар бир киши учун тааллуқли бўлмоқда. Сут ва сут маҳсулотлари амалда етарли бўлиши учун биз, сут-товар фермаси ходимлари ишимизни қандай қилиб жонлантиришимиз, кам сарф-ҳаражат билан кўпроқ маҳсулот етиштиришимиз керак? Бу саволга ўзимизнинг ташаббускорона меҳнатимиз, социалистик мусобақадаги актив иштирокимиз билангина жавоб беришимиз мумкин.

Афсуски, жадаллаштиришнинг бу муҳим омили кейинги пайтларда дуруст ишга солинмади, айтиш мумкинки, ҳатто мутлақо нафи бўлмади.

Бизнинг областимизда машинада сут соғиш усталарининг ўз ишига ташаббускорлик билан муносабатда бўлаётганликларига мисол жуда кўп. «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумидан С. Асанова, Э. Муртазоева, Р. Бақуловалар ўтган йили ҳар бош сигирдан 5,5 минг килограммдан ошириб сут соғиб олдилар. 4 минг килограммлик маррани эгаллаган илғор сут соғувчилар 57 кишига етди. 1986 йилда 560 нафар машинада сут соғиш мастери ҳар бош сигирдан 3 минг литрдан ошириб сут соғиб олди.

Бироқ слёт пайтидаги очиққасига мулоқотлар шуни кўрсатдики, бизнинг тармоқда эътибордан четда қолаётган резервлар ҳали беҳисобдир. Фақат «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми соғувчиларигина 5 минг килограммлик маррани эгалладилар, холос. Кўпгина соғувчиларнинг кўрсаткичлари бу даражадан икки ва икки ярим баравар камдир. Бўстонлиқ ва Паркент районлари айрим хўжаликларидаги сигирларнинг сути 1500—1700 килограммдан ошмаяпти.

1987 йил воқеаларга бой йилдир. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Умумхалқ байрамларини меҳнатда юксак натижалар билан якунлаш бизда яхши анъанага айланган. Шу муносабат билан барча ферма ходимларини мусобақа байроғини янада баланд кўтаришга, бу меҳнат беллашувига конкретлилик, ишчанлик бағишлашга чақирамиз. Келинглар, шундай ишлайликки, ҳар бир соғувчи, ҳар бир ферма, ҳар бир хўжалик сут етиштириш планини бажарибгина қолмай, балки унинг сифатини оширсин, таннархини арзонлаштирсин.

Бу мақсадга эришиш учун енг шимариб ишлашга, подани боқиш ва озуқа тайёрлаш илғор технологияларидан, меҳнат ҳажми ва сифатига коллектив масъуллик, яъни бригада пудрати афзалликларидан ҳамма фермаларда тўла фойдаланиш лозим бўлади. Икки сменали иш режимини дадиллик билан жорий этиш, инсон омилини активлаштириш керак.

Тармоқнинг ҳамма ходимларидан бизнинг Мурожаатимизга амалий жавоб кутамиз.

Биз, аввало ёшларга, фермага эндигина келиб, оқ халат кийган ёки бу йўлда иккиланиб турганларга мурожаат этамиз: қийинчиликлардан қўрқманг, ҳар қандай ишлаб чиқариш соҳасида бундай қийинчиликлар, албатта, бўлади. Биз серғайрат, куюнчак ёшларни кутмоқдамиз, уларнинг ғайрати ва бизнинг тажрибамиз қўшилиб, эришаётган натижаларимизнинг юксалишига кўмаклашади.

Фермаларда фақат машинада сут соғиш операторларигина ишлаётганлари йўқ, балки молбоқарлар, механизаторлар ҳам бор. Уларнинг умумий ишга, кўрсаткичларнинг салмоғига қўшадиган ҳиссалари беқиёсдир. Шунинг учун ҳам улардан ягона илтимосимиз бор: ўз вазифангизни сидқидилдан ҳалол адо этингиз, барча механизмлар ва бутун технология жараёнларининг узлуксиз ишлашини таъминлангиз.

Биз бугун хўжаликлар, район агросаноат бирлашмалари, шунингдек область агросаноат комитети ва унинг бўлимлари раҳбарлари, мутахассисларига мурожаат қилямиз ва қуйидаги истакларимизни қатъийлик билан баён этамиз:

— фермалардаги озуқа цехлари ва бошқа механизмларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, сермеҳнат иш жараёнларини механизациялаш даражасини янада ошириш чораларини кўриш лозим;

— сигирлар наслини яхшилаш, умуман, наслчилик ишларини олиб боришни кучайтириш, сигирларни боқиш ва парваришлашнинг илғор методларини, подани урчитиб кўпайтиришни дадиллик билан жорий этиш зарур.

Ўйлаймизки, ҳамма ерда сут соғувчиларни икки сменали иш режимига ўтказиш, сут етиштиришнинг поток—цех системасини ташкил этиш, янги туғилган бузоқларни совуқ жойда парвариш қилишга ўтиш, меҳнатга ҳақ тўлаш системасини такомиллаштириш пайти келди.

Бизнингча, ветеринария ва зоотехника хизмати ходимлари профилактика мақсадидаги зооветеринария тадбирларини қўллашга кўпроқ эътибор беришлари, жойларда мутахассисларни дори-дармонлар билан мунтазам таъминлаб туриш, ўткир юқумли касалликларнинг қорамоллар ўртасида кенг тарқалишига йўл қўймаслик лозим.

Бизга область дон маҳсулотлари бошқармаси корхоналари коллективларига мурожаат қилиб, уларни ишлаб чиқарилаётган омухта емлар сифатини оширишга, сут саноатини бирлаштириш ва шу йўл билан сутнинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш, уни тўла сақлаш, ҳамма ерда хўжаликларни маҳсулотни марказий усулда ташишга ўтказишга чақирамиз.

Тартибга солинган хизмат соҳаси иши бизга катта ёрдам бериши мумкин. Ҳозирча бу участкадаги ишда камчиликлар кўп. Шунинг учун биз медицина ва маиший хизмат, маданият ва савдо ходимларига мурожаат этамиз: чорвадорларнинг талаб-истакларига нисбатан эътиборли бўлингиз, фермаларда медицина пунктлари ва магазинлар, қизил бурчак ва дам олиш хоналари, ҳаммом ва душхоналар очишга кўмаклашингиз. Биз ҳар қандай идора учун ферма ва комплекслар ходимларига хизмат кўрсатишни яхшилаш проблемаларини ҳал этиш оғир эканлигини биламиз. Шунинг учун ҳам бу масалани агросаноат комплекси, бизнинг хўжаликларимиз, область соғлиқни сақлаш бўлими, савдо ва маиший хизмат, маданият бошқармалари ҳамда область матлубот жамияти правлениеси ходимлари ўзаро ҳамкорликда ҳал этишларини таклиф қилмоқдамиз.

Тўғри, буларнинг ҳаммаси бир кунда қилинадиган иш эмас, лекин шу билан бирга кейинга суриш учун ҳам вақт тиғиз бўлиб қолди. Шу бугундан кечиктирмаёқ, янги иш методларини жорий этиш лозим.

Илғор тажриба ҳар бир машинада сут соғиш операторининг мулкига айланиб қолиши, соғувчиларнинг маҳоратлари ошиб бориши, 5 минг килограммчи ва 4 мингкилограммчилар сафининг кенгайиб бориши учун бизнинг область ва район газеталаримиз, область телерадио эшиттиришлари редакциялари катта ишларни қилишлари мумкин. Улар сигирлардан кўп сут соғиб олиш илғор усулларини кенг ва тушунарли пропаганда қилиб боришлари керак.

Қадрли ўртоқлар! Биз сут-товар фермаларининг барча ходимларини жамоат чорваси маҳсулдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, беш йилликнинг иккинчи йили бош мақсади бўлган ҳар бош сигирдан камида 3 минг килограммдан сут ва биттадан бузоқ олиш учун машинада сут соғиш операторлари, сут соғувчилар, ферма, бригада ва бўлим коллективлари ўртасида амалдаги социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга чақирамиз.

Биз, слёт қатнашчилари ўз навбатимизда партия чақириқларига жавобан ташаббус ва куч-ғайрат билан ишлашга, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларимизни сўзсиз бажаришга, ҳар бир сигирдан «Тўртмингкилограммчилар клуби»га аъзо бўлиш ҳуқуқини берадиган даражада кўп сут соғиб олиш учун барча куч-ғайратимизни, билим ва тажрибамизни сарфлашга сўз берамиз.

Ишонамизки, бизнинг Мурожаатимиз барча ҳамкасбларимиз қалбида акс садо беради, областнинг барча чорвадорлари бизни қўллаб-қувватлайдилар. Келинглар, куч-ғайратларимизни бирлаштириб, сутчиликка ихтисослашган қорамолчиликни рентабелли тармоқлар қаторига олиб чиқайлик ва СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшайлик!

УШБУ МУРОЖААТ МАШИНАДА СУТ СОҒИШ ИЛҒОР МАСТЕРЛАРИ ОБЛАСТЬ СЛЁТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Ҳурмат тахтаси

Пилла етиштириш ва давлат сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

ҒАЛАБА РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Заря коммунизма» колхози (раиси Р. Пан, партия ташкилотининг секретари Д. Тўрабеков, касаба союз ташкилотининг раиси Е. Егай, комсомол ташкилотининг секретари И. Ким, пиллачилик бўйича агротехник Б. Ахмедова).

«Москва» колхози (раиси Б. Ботиралиев, партия ташкилотининг секретари Р. Асадов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Раимов, комсомол ташкилотининг секретари Е. Қарабуллаев, пиллачилик бўйича агротехник Ш. Шохмардонов).

«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози (директори Р. Каримов, партия ташкилотининг секретари С. Султонбеков, касаба союз ташкилотининг раиси В. Ким, комсомол ташкилотининг секретари С. Глуховцев, пиллачилик бўйича агротехник З. Рустамов).

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Иваново номли совхоз (директори Ф. Султонбеков, партия ташкилотининг секретари Р. Абдуллахўжаев, касаба союз ташкилотининг раиси Х. Мирзажонов, комсомол ташкилотининг секретари Х. Норбоев, пиллачилик бўйича агротехник М. Иброҳимов).

КОММУНИСТИК РАЙОНИ БЎЙИЧА

Усмон Юсупов номли совхоз (директори К. Маймоқов, партия ташкилотининг секретари Г. Муршидов, касаба союз ташкилотининг раиси Ж. Абдужалилов, комсомол ташкилотининг секретари М. Қулбеков, пиллачилик бўйича агротехник У. Фозилбеков).

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Коммунист» колхози (раиси Х. Қуронбоев, партия ташкилотининг секретари М. Тожиева, касаба союз ташкилотининг раиси Д. Очилов, комсомол ташкилотининг секретари А. Усмонов, пиллачилик бўйича агротехник Т. Шерматов).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Охунбобоев номли колхоз (раиси М. Рўзматов, партия ташкилотининг секретари Ж. Қосимхўжаев, касаба союз ташкилотининг раиси С. Мирзаев, комсомол ташкилотининг секретари Ш. Каримов, пиллачилик бўйича агротехник И. Қурбоналиева).

ТОШКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Тошкент» совхози (директори М. Усмонов, партия ташкилотининг секретари К. Эшонов, касаба союз ташкилотининг раиси Х. Олимжонов, комсомол ташкилотининг секретари Р. Саъдуллаев, пиллачилик бўйича агротехник М. Пўлатов).

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Турсунқулов номли колхоз (раиси Р. Бўтабоев, партия ташкилотининг секретари К. Ахмаджонов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Раҳимов, комсомол ташкилотининг секретари Э. Фозилов, пиллачилик бўйича агротехник З. Наврўзов).

«Партия XXI съезди» колхози (раиси М. Марахимов, партия ташкилотининг секретари Н. Расулов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Нурматов, комсомол ташкилотининг секретари А. Жамолов, пиллачилик бўйича агротехник Н. Мирзабобоева).

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзодларнинг рўйхати

Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ахборотига кўра Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Тошкент область Совети депутатлигига, тавсия этилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олиндилар.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

1-Мактаб сайлов округи— **Бекнозова** Матлуба Файзуллаевна, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси, область соғлиқни сақлаш бўлими мудири — шаҳар бирлашган касалхонаси меҳнат коллективидан.

2-Фестиваль сайлов округи—**Гладько** Геннадий Павлович — 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси — геология-қидирув экспедицияси меҳнат коллективидан.

3-Совет сайлов округи — **Сероглазова** Татьяна Юсуповна — 1961 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, мебель комбинати ишчиси — мебель комбинати экспериментал цехи меҳнат коллективидан.

4-Коммунист сайлов округи — **Колибердин** Виктор Иванович—1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — уйсозлик комбинати меҳнат коллективидан.

5-Гастелло сайлов округи — **Аноров** Қамбарали Кенжаевич,— 1956 йилда туғилган, КПСС аъзоси, 80-автокорхонанинг ҳайдовчиси — 80-автокорхона меҳнат коллективидан.

6-Олмалиқ сайлов округи —**Тарасенко** Анатолий Андреевич, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ростов область халқ депутатлари Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси —В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинатининг рух заводи меҳнат коллективидан.

7-Навоий сайлов округи— **Гафаров** Вячеслав Григорьевич, 1950 йилда туғилган, партиясиз, В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинатининг Қалмоққир кони экскаватор машинисти — В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинатининг Қалмоққир кони меҳнат коллективидан.

8-Ўзбекистон сайлов округи — **Мирхўжаев** Мирғани Мирходиевич, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси, КПСС XXVI съезди номли химия заводи директори — КПСС XXVI съезди номли химия заводи меҳнат коллективидан.

9-Чехов сайлов округи — **Муталова** Марҳамат Акромовна, 1952 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент политехника институти кечки кон-металлургия факультетининг ассистенти — Тошкент политехника институтининг кечки кон-металлургия факультети меҳнат коллективидан.

10-Фрунзе сайлов округи —**Мусеева** Флера Ильгизовна, 1957 йилда туғилган, КПСС аъзоси, В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинати мис саралаш фабрикаси бошқарув пульти оператори — В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинатининг мис саралаш фабрикаси меҳнат коллективидан.

11-Ломоносов сайлов округи — **Сичкова** Жамила Собиржоновна, 1959 йилда туғилган, КПСС аъзоси, қўрғошин-рух саралаш фабрикаси бошқарув пульти оператори — қўрғошин-рух саралаш фабрикаси меҳнат коллективидан.

12-Октябрь сайлов округи — **Грамолина** Светлана Юрьевна, 1961 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, мис эритиш заводи титан ва ноёб металлар ишлаб чиқариши бўйича аппаратчиси—В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг шлам-купорос цехи меҳнат коллективидан.

13-Ушинский сайлов округи — **Айтқулова** Зубира Сагиевна, 1951 йилда туғилган, партиясиз. 345-кўчма механизациялашган колонна нормаловчиси — 345-кўчма механизациялашган колонна меҳнат коллективидан.

14-Горький сайлов округи — **Ершов** Александр Юрьевич, 1962 йилда туғилган, КПСС аъзолигига кандидат, 4-автомобиль ремонти заводи слесари — 4-автомобиль ремонти заводи меҳнат коллективидан.

15-Киров сайлов округи— **Гордеев** Валерий Владимирович, 1963 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Промтехмонтаж» бошқармасининг слесарь-монтажчиси — «Промтехмонтаж» бошқармаси меҳнат коллективидан.

16-Гагарин сайлов округи — **Пак** Релина Тьахировна, 1944 йилда туғилган, КПСС аъзоси, С. М. Киров номли 21-ўрта мактаб ўқитувчиси — С. М. Киров номли 21-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

17-Марказий сайлов округи **Шенн** Виктор Васильевич, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент область партия комитетининг оғир саноат бўлими мудири — ремонт-механика заводи меҳнат коллективидан.

18-Комсомол сайлов округи — **Абсалямова** Дилора Энверовна, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинати саноат темирйўл транспорти корхонаси электр монтёри— В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинати саноат темирйўл транспорти корхонаси меҳнат коллективидан.

19-Ленин сайлов округи— **Беланов** Юрий Николаевич 1945 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари — В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинатининг ишчилар таъминоти бошқармаси ишчилар таъминоти бўлими меҳнат коллективидан.

20-Темирйўл сайлов округи — **Биришникова** Марина Юрьевна, 1965 йилда туғилган. ВЛКСМ аъзоси, рўзғор химияси заводи техника назорати бўлими контролери — рўзғор химияси заводи меҳнат коллективидан.

21-Завод сайлов округи— **Ильчева** Галина Григорьевна, 1949 йилда туғилган, партиясиз, химия заводи экстракция цехининг оператори — химия заводи меҳнат коллективидан.

22-Москва сайлов округи — **Сосницкая** Ирина Романовна, 1956 йилда туғилган, партиясиз, гилам фабрикаси ишчиси — гилам фабрикаси меҳнат коллективидан.

АНГРЕН ШАҲРИ

23-Шахтер сайлов округи — **Ниёзова** Гулёра Қулибоевна, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, тикувчилик фабрикасининг ҳисоб ишларини олиб бориш контролери — тикувчилик фабрикаси меҳнат коллективидан.

24-Фрунзе сайлов округи — **Антипин** Юрий Владимирович, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ангрен» разрези директори — «Ангрен» разрези меҳнат коллективидан.

25-Темирйўл сайлов округи — **Орипов** Талъат Зокирович, 1928 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитети Тошкент области бўйича бошқармасининг бошлиғи — «Узстройтранс» ишлаб чиқариш автомобиль трести бирлашмаси 7-автобазаси меҳнат коллективидан.

26-Завод сайлов округи — **Марцун** Сергей Федорович, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Ангрен ГРЭСи токари — Ангрен ГРЭСи меҳнат коллективидан.

27-Қурилиш сайлов округи — **Занькова** Таисия Николаевна, 1940 йилда туғилган, партиясиз, нон заводининг хамир қолипловчиси — нон заводи меҳнат коллективидан.

28-Горький сайлов округи — **Гайер** Иван Адольфович, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси, ремонт-механика заводи токари — ремонт-механика заводи меҳнат коллективидан.

29-Физкультура сайлов округи — **Абдурасулова** Ойгул Абдуравиновна, 1964 йилда туғилган, КПСС аъзолигига кандидат, керамика комбинати ишчиси — керамика комбинатининг плита цехи меҳнат коллективидан.

30-Студент сайлов округи — **Комилова** Нафисахон Эргашевна, 1968 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Тошкент область давлат педагогика институти студенти — Тошкент область давлат педагогика институти меҳнат коллективидан.

31-Мактаб сайлов округи — **Альжанов** Косай Дербисович, 1948 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғи — «Узбекшахтострой» трестининг 95-механизациялашган кўчма колоннаси меҳнат коллективидан.

32-Новогород сайлов округи — **Мирсултонова** Ҳамида Турғуновна, 1953 йилда туғилган, партиясиз, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг елимловчиси — СССР 60 йиллиги номли Ўзбекистон «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси заводлар бошқармаси меҳнат коллективидан.

33-Космос сайлов округи — **Йўлдошев** Тошпўлат Йўлдошевич, 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — автомобиль ремонти заводи меҳнат коллективидан.

34-Гагарин сайлов округи — **Панкратова** Любовь Николаевна, 1939 йилда туғилган, партиясиз, шаҳарсозлик бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи — шаҳарсозлик бошқармаси меҳнат коллективидан.

35-Охунбобоев сайлов округи — **Володарский** Анатолий Петрович, 1943 йилда туғилган, КПСС аъзоси, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари — «Узтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 15-механизациялашган кўчма колоннаси меҳнат коллективидан.

36-Ленинград сайлов округи — **Федоринов** Иван Иванович, 1930 йилда туғилган, КПСС аъзоси, область партия комитети ҳузуридаги партия контроли комиссияси раиси — 6-қурилиш бошқармаси меҳнат коллективидан.

37-Медицина сайлов округи — **Ҳамдамов** Фахриддин Омонбоевич, 1958 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси 9-шахтасининг мастер-портлатувчиси — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-шахтаси меҳнат коллективидан.

38-Олимпия сайлов округи — **Холмирзаев** Султонмирза Нормирзаевич, 1943 йилда туғилган, КПСС аъзоси, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси — сут заводи меҳнат коллективидан.

39-Геология сайлов округи — **Хатамова** Латофат, 1948 йилда туғилган, партиясиз. шаҳар алоқа узели катта электр монтери —шаҳар алоқа узели меҳнат коллективидан.

40-Социализм сайлов округи — **Бранлов** Анатолий Васильевич, 1925 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси — автобус-таксомотор парки меҳнат коллективидан.

41-Братский сайлов округи — **Абдиев** Мустафо Қаршибоевич, 1954 йилда туғилган, партиясиз, 72-автокорхона ҳайдовчиси — 72-автокорхона меҳнат коллективидан.

42-Комсомол сайлов округи — **Бородинова** Лилия Изидоровна, 1951 йилда туғилган, партиясиз, 33-мактабнинг илмий бўлим мудири — 33-мактаб меҳнат коллективидан.

43-Дукент сайлов округи — **Баширова** Ольга Николаевна, 1962 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси юк ортиш-транспорт бошқармасининг сигнализация хизмати электр монтери — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси юк ортиш-транспорт бошқармаси сигнализация ва алоқа хизмати меҳнат коллективидан.

44-Ёшлик сайлов округи — **Зубихина** Татьяна Михайловна, 1958 йилда туғилган, партиясиз, «Узбекшахтострой» трести пардозлаш ишлари қурилиш бошқармасининг бўёқчиси — «Узбекшахтострой» трестининг пардозлаш ишлари қурилиш бошқармаси меҳнат коллективидан.

45-Облиқ сайлов округи — **Лайер** Александр Готлибович, 1949 йилда туғилган. КПСС аъзоси, олтин қазиб олиш фабрикаси проходкачиси — олтин қазиб олиш фабрикаси участкалари меҳнат коллективидан.

46-Энергетика сайлов округи — **Кильдеева** Татьяна Александровна, 1960 йилда туғилган, партиясиз, электртехника лабораториясининг электр монтери — Янги Ангрен ГРЭСи меҳнат коллективидан.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

47-Марказий сайлов округи — **Улезько** Вячеслав Дмитриевич, 1935 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий ҳаво кучлари сиёсий бўлими бошлиғи — дон маҳсулотлари комбинати меҳнат коллективидан.

48-Хонобод сайлов округи — **Бикетов** Михаил Александрович, 1948 йилда туғилган, КПСС аъзоси, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси — 97-механизациялашган кўчма колонна меҳнат коллективидан.

49-Қурилиш сайлов округи — **Ахтариева** Ниля Садриевна, 1947 йилда туғилган, партиясиз, пардозловчилар бригадаси бошлиғи — «Узбекшахтострой» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси меҳнат коллективидан.

50-Завод сайлов округи— **Смағулов** Омонгелди Султонович, 1945 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Сантехлит» заводининг директори — «Сантехлит» заводи меҳнат коллективидан.

51-Привокзальний сайлов округи — **Чигрова** Ольга Владимировна, 1955 йилда туғилган, партиясиз, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси— «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективидан.

52-Оҳангарон сайлов округи— **Шаропова** Нигора Аҳмедовна, 1963 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Стройпластмасс» комбинати қуюв цехининг пайвандловчиси — «Стройпластмасс» комбинати меҳнат коллективидан.

53-Спорт сайлов округи — **Копитов** Владимир Александрович, 1956 йилда туғилган, партиясиз, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш корхонасининг электр пайвандчиси — «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш корхонаси меҳнат коллективидан.

БЕКОБОД ШАҲРИ

54-Индустрия сайлов округи —**Мирзааҳмедов** Жуманазар Маҳкамович, 1958 йилда туғилган, КПСС аъзоси, темирйўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси — темир йўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-автоколоннаси меҳнат коллективидан.

55-Калинин сайлов округи — **Мусаев** Зоид Айбасович, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, «Бекабадцемремонт» корхонаси слесари — «Бекабадцемремонт» корхонаси меҳнат коллективидан.

56-Коммунистик сайлов округи — **Катакли** Зейнеп Халиловна, 1954 йилда туғилган, партиясиз, 80-магазиннинг контролер-кассири — «Бекабадторг» меҳнат коллективидан.

57-Маяковский сайлов округи— **Гальверсен** Наталья Михайловна — 1951 йилда туғилган, партиясиз, 15-ўрта мактаб ўқитувчиси—Фурқат номли 15-мактаб меҳнат коллективидан.

58-Ленин сайлов округи— **Обносова** Галина Давидовна, 1953 йилда туғилган, партиясиз, маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг тўқувчиси— шаҳар маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнат коллективидан.

59-Цемкомбинат сайлов округи — **Холопова** Наталья Ефимовна, 1957 йилда туғилган, партиясиз, цемент комбинати кимёвий анализ лаборанти — цемент комбинати меҳнат коллективидан.

60-Октябрь сайлов округи — **Хлинова** Любовь Михайловна, 1947 йилда туғилган, партиясиз, «Узбекметаллургстрой» трести меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи —«Узбекметаллургстрой» трести аппарати меҳнат коллективидан.

61-Гагарин сайлов округи —**Жўраева** Комила Мирзақуловна, 1966 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи — тикувчилик фабрикаси меҳнат коллективидан.

62-Ленинград сайлов округи — **Безносов** Борис Григорьевич, 1935 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўзбекистон металлургия заводи цех бошлиғи — Ўзбекистон металлургия заводи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши меҳнат коллективидан.

63-Металлург сайлов округи— **Нурмуродова** Мовлуда Тўрабоевна, 1964 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Ўзбекистон металлургия заводининг сараловчи-топширувчиси — Ўзбекистон металлургия заводи 2-навли прокат цехи меҳнат коллективидан.

64-Шчербаков сайлов округи— **Муборакова** Истат Ориповна, 1956 йилда туғилган, партиясиз, марказий шаҳар касалхонаси врачи— марказий шаҳар касалхонаси меҳнат коллективидан.

65-Мактаб сайлов округи — **Рўзиев** Эркин Маҳмудович, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари — «Узбекметаллургстрой» трестининг қурилиш материаллари ва конструкциялари заводи меҳнат коллективидан.

66-Қурилиш сайлов округи— **Кушко** Тамара Михайловна, 1947 йилда туғилган, партиясиз, «Узбекметаллургстрой» трестининг бўёқчилар бригадаси бошлиғи— «Узбекметаллургстрой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси меҳнат коллективидан.

67-Навоий сайлов округи — **Қориев** Давронжон Зиётович, 1950 йилда туғилган, КПСС аъзоси, шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси — умумий овқатланиш трести меҳнат коллективидан.

68-Комсомол сайлов округи— **Бичкова** Татьяна Федоровна, 1959 йилда туғилган, партиясиз. темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатининг кранчиси — темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинати меҳнат коллективидан.

69-Москва сайлов округи —**Симонов** Михаил Гаврилович, 1938 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Туркистон ҳарбий округи штаб бошлиғининг биринчи ўринбосари — индустриал техникуми меҳнат коллективидан.

НАРИМАНОВ ШАҲРИ

70-1 Май сайлов округи— **Пузанков** Орион Николаевич, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси — автомобиль-транспорт экспедиция комбинати меҳнат коллективидан.

71-Дзержинский сайлов округи — **Сивак** Елена Петровна, 1968 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, «Узводремстройэкспедиция» ремонт-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш техника назорати бўлимининг электрўровчиси —«Узводремстройэкспедиция» ремонт-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш техника назорати бошқармаси меҳнат коллективидан.

72-Лихачев сайлов округи — **Маҳмудов** Турсунпўлат Мирзааҳмедович, 1948 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Иргидромаш» заводи директори — «Иргидромаш» экспериментал заводи меҳнат коллективидан.

73-Бинокор сайлов округи — **Акбаров** Қудрат Исматович, 1963 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, қурилиш конструкциялари комбинати ишчиси — қурилиш конструкциялари комбинати меҳнат коллективидан.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

74-Металлург сайлов округи — **Шарипов** Наим Фармонович, 1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси, халк депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг 13-цехи меҳнат коллективидан.

75-Молодёжний сайлов округи, — **Баженова** Светлана Павловна, 1956 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг 7-цех ишчиси — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг 7-цехи меҳнат коллективидан.

76-Красногвардейский сайлов округи — **Мирзааҳмедова** Насиба Ҳасанбоевна, 1959 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг 13-цехи прессловчиси — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати 13-цехи меҳнат коллективидан.

77-Оржоникидзе сайлов округи — **Мартинов** Михаил Константинович, 1960 йилда туғилган, партиясиз, автобус-таксомотор парки ҳайдовчиси — автобус-таксомотор парки меҳнат коллективидан.

78-Ёшлик сайлов округи — **Кудинов** Анатолий Николаевич, 1932 йилда туғилган, КПСС аъзоси, область алоқа ишлаб чиқариш техника бошқармаси бошлиғи— шаҳар алоқа узели меҳнат коллективидан.

79-Жануби-Ғарбий сайлов округи — **Завьялова** Людмила Ивановна, 1959 туғилган, КПСС аъзоси. 160-қурилиш трестининг «Чирчикжилстрой» қурилиш бошқармаси бўёқчиси — 160-қурилиш трестининг «Чирчикжилстрой» қурилиш бошқармаси меҳнат коллективидан.

80-Дўстлик сайлов округи — **Швирева** Людмила Ильинична, 1947 йилда туғилган, партиясиз, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси аммиак ишлаб чиқариш компрессорлари цехи компрессор қурилмаси машинисти — «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси аммиак ишлаб чиқариш компрессорлари цехи меҳнат коллективидан.

81-Домостроительний сайлов округи — **Чернецкий** Владимир Иванович, 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати бетон қориш цехининг слесарь-мотористи — қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг бетон қориш цехи меҳнат коллективидан.

82-Оққовоқ сайлов округи — **Браунагель** Андрей Иосифович, 1962 йилда туғилган, партиясиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати станоксозлик бригадаси бошлиғи — қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати меҳнат коллективидан.

